

---

## Сўх туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 12 та умумий ўрта таълим мактабларига малакали ўқитувчилар ишга таклиф қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги ПҚ-4940-сонли “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 8.1-банди ижросини таъминлаш бўйича Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларида олий маълумотли мутахассисга эҳтиёж бўйича бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар [www.ustozfondi.uz/#registration](http://www.ustozfondi.uz/#registration) сайтида жойлаштириб борилмоқда.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасида шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари ва кадрлари бўйича масъул ходимлар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган олис ва чекка ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларига ишга жалб этиш бўйича устамалар, бир марталик тўловлар, хизмат уйи билан таъминлаш ёки ижара пулини тўлаб берилиши бўйича керакли тушунтиришлар берилди.

Сўх туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 12 та умумий ўрта таълим мактабларида бўш иш ўринлари мавжуд:

3-умумий ўрта таълим мактабида бўш иш ўрни - мусиқа маданияти фани 7 соат,

9-умумий ўрта таълим мактабида мусиқа фани 10 соат,

11-умумий ўрта таълим мактабида она тили фани 20 соат, инглиз тили фани 15 соат, география фани 15 соат,

14-умумий ўрта таълим мактабида давлат тили фани 40 соат, инглиз тили фани 25 соат,

15-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тили фани 15 соат, тарих фани 17 соат, мусиқа маданияти фани 12 соат,

19-умумий ўрта таълим мактабида информатика ва ахборот технологиялари фани 21 соат,

23-умумий таълим мактабида информатика фани 22 соат, мусиқа маданияти фани 10 соат,

10-умумий ўрта таълим мактабида информатика фани 20 соат,

1-ИДУМ кимё фани 4 соат, информатика фани 7 соат,

3-ИДУМ инглиз тили фани 24 соат, информатика фани 4 соат, мусиқа маданияти фани 9 соат,

29-умумий ўрта таълим мактабида давлат тили фани бўйича 21 соат бўш иш ўринлари мавжуд.

2022-10-11 18:13:07